


92
К-25

Ў
ҲАБИБ КАРИМОВ

ЎРОЛ ТАНСИҚБОВ



АЖОЙИБ
КИШИЛАР
ҲАЁТИ

92
K-25
ҲАБИБ КАРИМОВ

ЎРОЛ ТАНСИҚБОВ

Ажойиб
кишилар
ҳаёти

*(Ҳаёти ва ижодий
фаолияти ҳақида
лавҳалар)*

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия» нашриёти ● Тошкент — 1978

Д Е Б О Ч А

Санъат гулшани мисоли силсилали тоғлар ҳсвучидаги чаман. Унга етишиши нақадар машаққатли ва завқли. Бу ерда чидам ва матонат зиналари ўз елкасини тутиб беради интилганга. Чин санъаткор ана шу мураккаб дэвонни иккиланмай босиб ўтиб, ўша гулшанга боғбонлик улушини қўша олса, ижодий намуналари билан халқ ихлосини қозонади, эъзозига лойиқ бўлади.

Ҳаёт чиройи — табиат нафосатини эҳтирос билан илғаб олиб, уни ҳайратомуз такрорлаб, миллионлаб санъат шайдоларига тортиқ этиб келган Урол Тансиқбоев буюк бахтга мушарраф ижодкор. У инсонлар кўриб чексиз завқланган, бироқ сўз билан тавсифлашга ожизлик қилган наботот гўзаллигини бўёқли сатрларда янада нафис, назокатли тасвирлайди.

Урол Тансиқбоев қуёшли ўлкамизда манзара жанрига асос солган қалдирғоч рассом. Табиат куйчиси бу жанрни эпик манзаралари билан юксак поғонага кўтарди. Урол ака санъатининг сеҳри — асарларининг овозаси Урта Осиё сарҳадларидан ошиб кетди, оламга ёйилди.

Урол оға бой ва сермазмун ижоди билан санъат мавзуида эпик полотнолар яратиш мишкул деган ақидаларни парчинлади. У совет кишининг ақл-заковати ва матонатини мойли бўёқлар жилвасида нақадор жозибали нафис куйлаган «Қайроққум ГЭСи тонги» сингари эпик полотнолари орқали жаҳон миқёсида шуҳрат қозонди, катта совринларни олди. Табиат куйчисининг «Оҳангарон цемент заводи», «Ангрен очик шахтасида», «Ангрен ГРЭСи», «Олмалик мис кони» сингари картиналари саноат темасидаги такрорланмас полотнолардир.

Урол Тансиқбоев ўз овозига эга бўлган мўйқалам устаси, табиат кўйчиси эди. У тасвирий санъат даргоҳига ўз овози, ўз қўшиқлари билан дадил кириб келди.

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги китобда ана шу толмас куйчи ҳаёти ва ижоди билан танишасиз.

К 70303—197
356(06)—78 68—78



© Издательство «Еш гвардия», 1978.

Урол Тансиқбоев романтизмга бой эпик полотнолари билан шухрат қозонибгина қолмай, балки Улмас асарлари билан ўзбек совет тасвирий санъатида ўзига хос манзарачилик мактабига асос солди, қобилиятли шогирдлари тарбиялаб вояга етказди. Ҳа, буюк мусавир Урол Тансиқбоев умри боқий ижоди билан фидокор ва содиқ мухлислар орттириш шарафига эришди. Бу мухлислар тасвирий санъат музейларига, галереяларга, кўргазма залларига таширф буюрар эканлар, дарҳол севимли рассомлари Урол оғанинг нафосат уфуриб турган манзараларини қидириб топадилар, завқланиб томоша қиладилар.

Урол Тансиқбоев ҳар бири лирик дostonга, романга тенг мазмунли, тематик картиналари билан миллионлар қалбига меҳр оловини ёқди. Халқ меҳрини ва эъзозини қозонган қилқалам соҳиби Совет Шарқида биринчи бўлиб академик рассом деган юксак унвонга сазовор бўлди. Табиат чирой очгани сари, фасллар яшнайвергани сари Урол Тансиқбоевнинг манзаралари ҳам жилоланаверади.

ҒУНЧА ОЧИЛДИМИ?

Халипа момонинг: «турақолларинг, тонг ёришиб кетди», деган овозидан чўчиб кўзини очган Урол дераза ойнасига аямажуз солган қировли «гуллар» га анча маҳлиё бўлиб ётди. Нарироқда ётган бир парча қоғозни олиб, кўз олдида жойлашиб қолган шаклни туширишга уринди. Яна онасининг: «турақол тойчоғим, ўқишингдан кечикасан», деган эркалашидан кейин, қалбини ром этган шаклга қайта тикилиб, ўрнидан даст туриб кетди.

У учинчи дарсни сабрсизлик билан кутди. Биринчи соат география дарси эди. Бола муаллимнинг кўзини шамғалат қилиб қировли шаклни қоғозга туширишга уриниб кўрди-ю, ўқитувчининг нигоҳи унга тез-тез қадалиб турганидан юраги дов бермади. Иккинчи дарс — ҳисоб машғулоти тугаши биланоқ, танаффусга ҳам чиқмай уни тинч қўймаётган шаклни қоғозга туширишга шошилди. Расм муаллими Ярослав Фёдорович томошақовоқни осиб қўйиб, болаларга унинг тасвирини ифодалашларини айтди. Расм муаллими хонада болаларни кузатиб юриб, охириг партада берилиб расм чизаяпган ўқувчининг тепасига келиб тўхтади. Унинг машқига разм солиб турди. Урол тепасида турган муаллимнинг кўргач хижолат тортиб, «эрталаб деразада шу шаклни кўрувдим, ҳеч ўшанақа чиқара олмайибман», деди. «Майли, чиқаролмаяпган бўлсанг чиқаргин-да, кейин ана уни расмини чизишга ўт», деб нари кетди муаллим.

Бола муаллим ишора қилган томошақовоққа хийла тикилиб турди, кейин унга мос рангли қалам танлаб, орадан ҳеч қанча вақт ўтмайёқ томошақовоқнинг аксини қоғозга туширди. Муаллим яна бир айланиб келганида

ёш Урол топшириқни ўринлатиб қўйган, олдинги машқи билан банд эди. «Илғаб олиш қобилияти жойида, фақат тўғри машқ зарур бунга»,— ҳаёлидан ўтказди устози.

Ярослав Фёдорович кунларнинг бирида ўқувчи шоғирдини ҳузурига чорлади. У рассомчилик санъати тўғрисида анчагина суҳбатлашиб, нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида йўл-йўриқ кўрсатди. Ундан яна ҳам жиддий машқ қилишни, бевосита ҳаётдан нусха «кўчириш»ни, кейин махсус рассомчилик ўқув юртига кириб таълим олишни маслаҳат берди. Шоғирд қайтишга ҳозирланаркан, устози унинг қўлига катта қутича тутқазди-да: «Қўлинг келиб қолди. Энди мойли бўёқда ҳам машқ қилиб турсанг бўлади, бунинг ичида турли хил бўёқлар, мўйқаламлар бор, мендан эсдалик», деб шоғирдини қайта бағрига босди.

Урол ўзида йўқ хурсанд эди. У устозини қайта-қайта қучоқлади. Уша кезларда эришиш мушкул бўлган бу антиқа тортиқ унинг сўлим баҳор тонглари ва латофатини, атлас кўйлак кийиб кўринган олтин куз фаслининг ажойиб жамолини, қуёш ботиши олдида уфқнинг алвон-алвон товланишини қалбига эмас, холстларга кўчиришига ёрқин йўл очиб берди. Мурғак қалб учун бу кун энг бахтиёр кун бўлди. Шундан эътиборан унинг бутун фикри-зикри фақат чизиш, машқ билан банд бўлди. Бироқ, мурғак қалбга чўғ солган устоз Ярослав Фёдоровичнинг тўсатдан вафот этиши ёш Уролни эсанкиратиб қўйди, қутилмаган бу жудалик Уролнинг машқи-га ҳам таъсир қилди. Машъум воқеадан кейин у кўп ўтмай ўқишни йиғиштирди.

Уша йиллари Салор атрофлари катта тоқзор бўлиб, фақат мусаллас тайёрланадиган узум етиштириларди. Уролнинг акаси «Турквино» заводида хизмат қилганлиги боисидан оиладагиларнинг барчаси иш қизғин палларда ҳашар қилишарди. Эҳтимол шундан бўлса керак, ёш Урол тирикчилик важдан вино тайёрловчи устага шоғирд тушди. Бироқ бу жараён ҳам уни овунтиролмади. Қалби марҳум устозини, ўша ўқув даргоҳини қўмсарди. Бу қўмсаш ёш Уролни расм чизишга ундарди. Дафтарга тоқзорларнинг акси, сархил узумларнинг товланиши бирин-кетин туша бошладди.

Ёш Уролнинг хизмат юзасидан Уратепага бориши унинг рассом бўлиб шаклланишига шаҳодатнома берди. У болалик чоғидаёқ меҳнати жараёнида ҳаёт завқини ҳис этди. Бўш қолди дегунча узум сувини ўтказадиган

фильтр қовозга қалам ва кўмирда тинимсиз сурат чиза бошлади. Лекин удалай олмаган жойини кўрсатувчи мураббийнинг йўқлиги сезилиб турарди.

1924 йилнинг бошларида Тошкентга қайтган ёш рассом ишчи И. Литвиенко билан ҳамкорликда этюдлар чизди, ўша йили қўлига илк бор мойли бўёқ олиб, расм чизишни удалай олиши ва олмаслигини синаб кўрди. Унинг бу борадаги машғулотини оз бўлса-да умид бағишлади. Топган пулига мўйқалам, мойли бўёқлар, оддий холстлар харид қилиш одатга айланди. Ёш Урол ёз бўйи этюдлар ёзди, расм чизиш билан астойдил шуғулланди.

Уша кезларда унинг қўлига таниқли рассомлардан Л. Курбанинг «Буғулар» асарининг нусхаси тушиб қолди. Бу нусхани у санъатшунос Ирась маълумотида қараганда, ўн олти марта кўчиради ва айнан ўхшатганидан кейин бошқасига ўтади. Машҳур асарлардан нусха кўчириш расм чизиш техникасини мукамалроқ эгаллашига, етук санъаткорнинг маҳорати сирларини озми-кўпми ўзлаштиришига амалий ёрдам бўлди.

Ана шу сидқидилдан қилинган изланишлар ва тинимсиз машқлар туфайли ёш Урол тасвирий санъат пиллаоясининг бошланғич зиналарига қадам қўйишга эришди. Бу майдонда от суришнинг нақадар оғир ва мушкуллигини ҳеч бир иккиланмай қабул қилди. Бу интилишнинг самарасини биз унинг жанрли расмлар ишлашда атак-чечак қила бошлаганлигида кўрамиз. У аста-секин бағри кенг чўл, кўчманчилар ҳаёти, қир ва адирлардаги ҳаёт, ўтовларни холстга кўчира бошладди. Умидли рассом ана шу собитқадам изланишларини жамоат эътиборидан бир бор ўтказиб олиш ниятида И. Литвиенко билан биргаликда ҳаётида илк марта этюд ҳамда расмлардан иборат кўргазма очди. «Турк-вино» заводининг умумий овқатланиш хонасида ташкил қилинган бу кўргазмани ишчилар ва маъмурият қизғин кутиб олди, асарларга ҳар ким ўзича баҳо берди. Худди шу палладан бошлаб вақтли матбуот саҳифаларида Урол Тансиқбоев деган ном пайдо бўлди. «Туркестанская правда» газетасининг тақризчиси 1924 йилнинг 24 мартида чоп этилган «Ишчи рассомлар ҳақида»ги мақолада қобилиятли ишчи рассом Урол номини алоҳида мамнуният билан тилга олади. Унинг таъкидлашича, кўргазмага қўйилган асарлар асосан кўмир ва қаламда ва айримлари мойли бўёқда ишланган. Шунингдек, тақ-

ризда Уролнинг бу соҳада тажрибасизлиги, келгусида унинг махсус бадий ўқув юртларида таълим олиши зарурлиги ҳам таъкидланган.

Ана шу самимий баҳо ва истак ишчи рассомни Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳузурида профессор Николай Розанов бадий раҳбарлигида иш бошлаган тасвирий санъат студиясига етаклаб келди.

Расм чизишга, унинг ҳали очилмаган қўриқларини очишга борлиги билан интилган Урол тинимсиз машқ қила бошлайди. Чизганларини кўриб унга сидқидилдан мулоҳаза билдирувчи, адашгудек бўлса тўғри йўлга солувчи жонкуяр мураббийнинг бўлиши уни яна ҳам илҳомлантирди. У мусаввирликка ихлос қўйган ўзбек қизларидан Зарифа Саидносирова ҳамда расм чизишда анча қўли келиб қолган Алексей Фёдорович Подковировлар билан дўстлашади.

Улуғ Октябрь ғалабасининг муборак саккиз йиллигини нишонлаш яқинлашиб қолганига қарамай ўша кезларда рассомларнинг хотин-қизлар билан юзма-юз туриб, уларнинг портретларини бевосита ўзларига боқиб чизишлари мушкул эди. Ислон дини ақидаларида тирик мавжудотларнинг расмини ишлаш таъқиқланганлиги ва бу ақиданинг омма онгига сингиб кетганлиги қийинчилик туғдирарди. Шунга қарамай, Уролнинг ҳозирги кунда Қорақалпоғистон АССР Давлат санъат музейида сақланаётган (1925 йили қоғозга қалам билан чизилган) «Профилдаги ўзбек қизи» расми натурадан чизилган. Бу қуйидагича амалга ошган эди:

Уролнинг студиядоши Зарифа Саидносирова айрим кезларда у билан этюдларга бирга чиқарди. Баъзида студиядаги машғулотлари чўзилиб кетганида Урол Зарифа опани уйига кузатиб қўяр, уларнинг хонодонидан меҳмон бўларди. Ўша кезларда Зарифа опа дугоналаридан бирини натуршица бўлишга кўндиради ва натуршицанинг юз қиёфаси зудлик билан қоғозга чизилади. Расмда сочлари кокила қилиб ўрилган шўх ўзбек қизи чап ёни томонидан тасвирланган. Сақланиб қолган дебо-ча портрет этюднинг тарихи ана шундай.

Бўлажак рассом ўта меҳнатчанлиги, машқдан эринмаслиги туфайли формани ўзлаштиришга, рангларни пухта эгаллашга киришди. Айни вақтда у ўзига хос овозга, дастхатга эга бўлишга интилди. Иккинчи устози Н. Розанов эса уни академизмга йўналтирди. Шундай тинимсиз изланишларнинг самараси ўлароқ у ўзига хос

композиция тузишга ўтади. Бунинг дастлабки намунаси «Кўчнш» номли эскизда кўринади.

Шу нарса характерлики, студияда машғулоти олиб борган йилларида Уролда бевосита натурадан портрет чизишга, одамларнинг қиёфасини акс эттиришга мойиллик сезилади. Буни биз «Рассом Акрот Тошканбаев портрети» (мазкур портрет 1934 йилдан бери Шарқ халқлари Давлат санъат музейида доимий намойиш этиб келинмоқда) ва «Ўзбек қизи» асарлари мисолида яққол кўрамиз. «Рассом Акрот Тошканбоев портрети» бадий талқини жиҳатидан ҳозирги кун талабига тўла жавоб бермаса-да, тасвирланган санъатдошининг ички бой руҳий олами тўла очилмаган бўлса-да, ижодкор ўз олдига қўйган мақсадга умуман эришган, темани анча жонли ва ҳаётий талқин этган. Гўзал табиат фонида ифодаланган, чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўли билан кимгадир чой тутаетган шахс ўша йиллардаги ўзбек йигитларининг типик вакилидир. Қаҳрамоннинг бўғиқ қизил рангга монанд, оч қизғиш тусда товланиб турган йўл-йўл бекасман тўни, шох белбоғи, оёқ кийими ҳозирги кунимиз учун характерлидир. Реалистик мазмунли бу портретда типик боғ манзараси ва дастурхон устида ўтирган йигит ифодаланади.

Ўша вақтларга қадар рус ва бошқа миллат рассомлари томонидан танқидий ўрганиб (тасвирланиб) келинган бундай ҳолат реалистик живопись санъатида айни ҳолича тасвирланган. Яна бир бор таъкидламоқчимизки, бу образ «ўзбеклар мана шундай ўтирар, турар, юрар, кийинар экан» деган экзотик кузатув маҳсули эмас. Балки бу ўтмиш асрлар давомида ўрганилган, одат тусига кирган ўзбек миллий маданиятини ва этикасини намойиш этувчи образдир.

Рассом мазкур портретда тасвирий шаклий ҳамда ёруғ-соя нисбатларида ўринли топа билган. Айни пайтда образ ва аксессуарларни ички фазовий муносабатларда ҳам, шунингдек уларни рамкага муносабатда ҳам кўркем жонлантира олган. Боғ фонида яхлит бўрттириб олинган образ ёруғ-соя ва ранглар мутаносиблиги билан алоҳида илгари сурилган. Тўндаги кенг сариқ ва пушти ранглар тўлқини ёруғ-соя воситасида жонлантирилган. Букламлар тўлқини, боғ ичидаги офтоб, соя ва ранг товланишларига, шох-шаббалар ҳаракатига ҳамоҳанг тарзда ритмик ҳолат топилган. Боғнинг ёз палласидаги

яшил ранги тасвир фазосини кенгайтириб, салқин ҳаво тафтини бериб турибди. Лекин бу яшилликнинг ва ҳаворангнинг образдаги рангларга таъсири эса етарлича сезилмайди. Жузъий нуқсонидан қатъи назар мазкур портрет йигирма уч ёшли рассомнинг тўнгич ижодий асари ва живопись санъатимизнинг қалдирғоч намунаси сифатида ўша кезлар шаронти учун катта аҳамиятга молик бўлди.

Унинг табиатни лирик, жонли ва ритмик қабул қилишга мойиллиги мана шу дебоча тасвириданоқ кўрина бошлади. Уни кейинчалик табиат ритми, муҳит характери яна ҳам кучлироқ қизиқтирди. Унинг чуқур ижодий мушоҳада юрита олиши, табиатдан шоирона илҳомланиши живопись санъатининг ритмик ифода имкониятларига мувофиқ келиб қолди. Яъни, ёш рассом ўз шоирона кўтаринки руҳини табиатнинг ритмик уйғунлигида ифода ланишини ҳис қила бошлайди. Оқибатда, реалистик санъат мактабини ҳали тўла эгаллаб улгурмаган рассом ижоди мавжуд формалистик йўналишга анча осон бурилди. Аммо бу бурилиш катта қобилият ва талант эгасини, реалистик дунёқарашга эга бўлган иқтидорли санъаткорни маълум бир чекланган муносабатлардагина ўзига эргаштира олди. Унинг бу вақтларда яратган шартли ва декоратив тасвирларида ҳам борлиқнинг реал характери, унинг ҳаётий руҳи сақланиб қолди.

Бўлажак санъаткор Н. Розанов студиясини муваффақиятли тамомлади. Буни биз рассомнинг устози томонидан битилган қўл ёзма ҳужжатдан ҳам билиб олишимиз мумкин. Шу ўринда мазкур ҳужжатни айнан келтирмоқчимиз:

«Х У Ж Ж А Т

Урол Тансиқбоев Тошкентдаги бадиий музей ҳузурида очилган студияда менда уч йил ишлади. Менда у машқ бошлади ва уни тамомлади. У ижодда илгарилиб кетди. Унинг бўйи томони рисунка ва формада сезилади. Натҳраси ажойиб ва қизиқарли, алоҳида эътиборга арзийди.

У ҳар қачон жиддий ишлади ва ўрганди.
живопись рассомни

Н. Розанов
Тошкент, 2 октябрь, 1928 йил».

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейидаги барча асарларни кўриб, ўрганиб, кўзи пишиган рассом шундан кейин Москвага борди, Третьяков галереяси, А. С. Пушкин номидаги санъат музейидаги ҳамда бошқа қатор санъат музейларидаги ранг-баранг асарлар билан танишди, баркамол асарлар яратиши учун яна ўқиши, ўрганиши зарурлигини ҳис қилди. Кейин Пенза бадиий билим юртига йўл олди.

— Мен Тошкентнинг Салор анҳори яқинида туғилган бўлсам ҳам, иккинчи Ватаним деб Пензани, ҳисоблайман,— деган эди «Огонёк» журналининг (1966 йил, № 9) муҳбири билан қилган суҳбатида Тансиқбоев.

1924 йили Тошкентдаги Санъат музейи ҳузурида очилган студияга қатнадим. Ушанда студиянинг муаллими ва раҳбари Николай Васильевич Розанов эди. Мен ўша кезде кўп ёздим, чиздим. Улуғ рус рассомларининг полотноларини кўришни орзу қилардим, монография ва журналларни ўқир эдим. Кунларнинг бирида «Нива» журналида Горюшкин-Сорокопудовнинг ажойиб картинаси фотонусхасини кўриб қолдим. Қадимий Русь менинг кўз олдимда яққол намоён бўлди... Тасодифан мен унинг Пензада расм чизишдан дарс беришини билиб қолдим. Кўп ўйлаб ўтирмай Пензага мактуб ёздим ва жавоб келишини кутмай ўша томонга йўл олдим. Мен ўша биринчи учрашувни ҳеч қачон унутмайман. Горюшкин-Сорокопудов кекса генералга ўхшаб кетарди. Оппоқ мўйлови ва соқоли, юзининг қўрқинчли тузилганлиги мени дастлаб чўчитди. Кейин билсам у ажойиб қалб эгаси экан. Мени бадиий билим юртига самимий қабул қилишди, ётоқхона беришди. Шунчалик меҳрибонликларини таърифлашга ожизман. Баъзан нонга навбат кутишга тўғри келарди. Рус аёллари қаердандир келган бошқача қиёфадаги болага (менга) навбатларини беришарди.

Иван Силич Горюшкин-Сорокопудов ажойиб инсон ва буюк рассом эди. «Санъатни ва ҳақиқатни севиш — бош мезон!» шиори эди унинг. Ана шу ҳикматни у бизга сингдирди, санъатга яна ҳам муҳаббат уйғотди. Ундан сабоқ олиш мени катта санъат оламига олиб кирди. Иван Силич,— ҳар бир яратилган санъат асари миллий бўлиши керак, шунингдек колорити ҳам,— деб таълим берар эди.

Йигирманчи йиллар оғир йиллар бўлганди, болалар ҳам ҳар хил эди. Баъзилари нон учун натурадан асар

ёзишди. Бошқалари эса, фотография санъатни енгади, деб живописни ташлаб кетишди. Лекин мен живописнинг абадийлигига қатъий ишонган эдим. Мана, кўряпсизки, адашмабман.

Горюшкин-Сорокопудов Репиннинг шогирди бўлиб, Русни севарди ва у бизда қадимий меъморчиликка, либосларга муҳаббат уйғотди. Мен ўша кезларда Ўзбекистонга, туғилиб-ўсган уйимга — Тошкентга келар эканман, қадимий ўзбек маданиятини қайтадан чуқур англадим. Самарқанд ва Бухорода халқ даҳоси яратган ноёб осор-атиқаларни бир умрга севиб қолдим.

Бўлғувси санъаткор Пенза бадий билим юртида дўсти А. Подковиров билан бирга машғул олиб борди. У кўп ва хўб машқ қилди. Айрим кунлари ўн саккиз соатлаб расм ишлади. Кўпроқ манзарали этюдлар чиши билан машғул бўлди. Дастлабки ўқув йилининг ўзида у АХРРнинг Пенза область кўргазмасида асарлари билан қатнашади ва у ёш АХРРлар жамиятига киради.

Ёш Урол АХРРнинг кўргазмасида «Ўзбек», «Ўзбек қизи», «Қўзиқорин сотувчи», «Қирғизларнинг кўчиши», «Қизил чойхонада радио», «Ўзбекча тўй» этюд ҳамда эскизлари билан қатнашди. Унинг асарлари жамоатчилик ва мутахассислар учун янгилик эди. Эҳтимол шу боисдандир, расмлари яхши баҳо олди.

Пензадаги ўқиш Урол учун самарали бўлди. Устози Горюшкин-Сорокопудов уни декоративликка мойил қилди. Ёш расм Урол Горюшкин-Сорокопудовдай ҳаяжонли талқинни ўрганди. Профессор Петровдан эса живопись техникасини эгаллади. Петров айна чоқда Уролни француз живопись усталаридан Сезанн, Гоген ва Пикассолар ижоди билан яқиндан таништирди. Бу ижодий танишув жараёни Уролнинг профессионал маҳоратини оширишида ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ижобий жиҳати шу кузатув жараёнида француз живописи техникасининг сирларидан воқиф бўлди. Салбий томони эса уларга эргашиб расм чизишида кўринди. Шу боис ўша йилларда Урол ўз асарларидаги академизмнинг айрим белгиларини импрессионистларнинг элементларига қориштирди.

Яна шу нарса характерлики, Москвада француз расмлари асарлари янги кўргазмаси (1929 йил) нинг очилиши Уролда Ғарб живописига нисбатан қизиқишини оширди. У айрим расмларнинг ижодини ва ишлаш

техникасини жиддий ўрганди ва айна чоқда Қадимий Руснинг иконописига ҳам қизиқди. Шу билан бирга тасвирий санъат музейида мавжуд бўлган, XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган итальян расмларининг асарлари унда мойиллик туғдирди. У Болонскаянинг диний мавзулардаги композициялари, буюк санъаткорлардан Рембрандт ва Рубенслар картиналарининг сеҳр қудратини англашга ҳаракат қилди. Ёш ижодкорга рус расмларидан В. Суриков ва А. Ивановнинг ижодлари айнақса маъқул тушади. А. Ивановнинг «Исонинг халққа кўриниши» картинасини синчиклаб ўрганди.

Урол колористик изланишида янги давр француз расмлари эришган ютуқларга ижодий эргашади. Унга Гогеннинг шарқ мотивлари асосида яратган декоратив талқини маъқул келади.

— Ван-гог ўзининг живописи билан мени сеҳрлаб олди, — дея ҳикоя қилади расм — У менга рангдорлик бахш этди. Айнақса Дереннинг манзаралари катта таассурот қолдирди.

Ғарбнинг янги живописи билан танишиш француз усталарига нисбатан хайрихоҳлик уйғотди. Ана шу пайтдан бошлаб Уролда примитивликдан қочиш, кейин Гоген асарларига хос бўлган ясси декоративизмга мойиллик кучайди. Бу нарса айнақса унинг декоратив панноларида яққол сезилди.

Халқимизда, бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, деган ҳикмат бор. Урол катта ижодий тажриба орттирган ва билим олган пензалик устозларини, К. А. Савицкий номидаги Пенза бадий билим юртини ҳеч вақт унутгани йўқ балки доимо ҳурмат билан тилга олди ва фахрланди. Ана шу бадий билим юртининг 75 йиллик юбилейи муносабати билан «Советская культура» (1973 йил, 20 январь) газетасида У. Тансиқбоевнинг қалб изҳори ёритилди. У жумладан шундай ёзади: «Биз миллий санъатларнинг ривожланиши, республикалардаги профессионал расмлар коллективларининг шаклланиши ҳақида кўп гапирамиз. Шуниси ҳақки, ҳаммамизда муваффақиятлар катта. Лекин шунинг ҳам эса олиш зарурки, бизнинг тетапоя бўлишимизда улур рус маданиятининг намоёндалари ўзларида мавжуд барча нарсани — билимни ҳам, тажрибани ҳам, нонни ҳам, фикрни ҳам баҳам кўрдилар. Мен учун шундай устоз Горюшкин-Сорокопудов бўлган эди...»

1929—1931 йилларда у самарали ижодий меҳнат қилди.

Тошкент яқинидаги Қоплонбек қишлоғида узоқ вақт бўлиб, қатор асарлар яратди. Янги жой унга жуда ҳам маъқул тушди, этюдлар чизиш учун манба бўлди. «Кураш», «Қолхозчи», «Шафтоли узиш», «Мева ортиш», «Қўчманчилар», «Партизанлар», «Қизил аскарнинг қишлоққа келиши» сингари ўнлаб расмлар ана шу қишлоқда дунёга келди.

1932 йилнинг 2 майида Тошкентда «Ўзбекистон расомларининг биринчи жумҳурият кўргазмаси» тантанали очилди. Тансиқбоев кўргазмага «Партизанлар», «Қизил чойхонада», «Тракторнинг илк ер ҳайдаши», «Пахта ортган қизил карвон», «Чопиш» композицияларини тақдим этди. Айниқса булар орасида «Қизил чойхонада», «Тракторнинг илк ер ҳайдаши» расмлари ҳаяжонли чиққан эди. Биз уларда (радио тинглаётган, тракторнинг ер ҳайдашини ҳаяжонланиб кузатаётган) кишиларнинг қувончларига шерик бўламиз, ўша кезларнинг қайноқ нафасини ҳис этамиз. Шулар орасида монументал живописга мўлжалланган «Партизанлар» асарида (кўринишидан қозоқ бўлган тўрт киши босмачилар қароргоҳини синчиклаб кузатмоқда) импрессионистик оқим таъсири сезилиб туради. Лекин расом унга кўр-кўрона эргашмаган, изланиш жараёнида қабул қилган тасаввурини қўшган, холос. Агар у билиб-билмай эргашганида асарлари шуҳрат қозонмаслиги шубҳасиз эди.

1920 йилларнинг охири, 1930 йилларнинг бошларида бизнинг диёримизда ҳам расомларнинг ғоявий-сиёсий бирлашувига, янги тузумнинг гуркураб ривожланишига тўсқинлик қилувчи оқимлар ва муртадлар бор эди. Бизда ҳам услубийлаштириш ва формализмнинг баъзи элементлари мавжуд бўлиб, бу нарса тасвирий санъатимизнинг тараққиётига ҳам соя ташларди. Фақат ғоявий юксак, бадий баркамол асарлар, социалистик реализм услубигина, ҳақиқий санъат асарларини яратиш ва шу орқалигина шуҳрат тожиги эришиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади. ВКП(б) Марказий Комитетининг «Адабий-бадий ташкилотларни қайта тузиш тўғрисида» (1932 йил) қабул қилган тарихий қарори муҳим аҳамият касб этди.

Ўша йилларда босмачилар ҳаракатига қарши кураш оммавий тус олган эди. Бу нарса вақтли матбуот саҳифасидан тушмас, бадий асарларда эса уларнинг манфурлиги қораланар, сахна асарларида талончиларнинг асл мақсади, қилмиши очиб ташланар эди. Босмачилар

тўдаси Ўрта Осиёнинг кўпгина ерларида мавжуд бўлиб, аҳолини тинч меҳнат қилишга қўймасди. Ҳақ учун кураш ишига расомлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Шиорлар ёздилар, ҳажвий расмлар чизиб, босмачиларни шармандаю шармисор қилдилар, халқда синфий душманга нисбатан нафрат уйғотдилар. Мўйқалам усталаридан Уста Мўмин, О. Татевосян, Н. Туркестанский, А. Подковиров, В. Қайдалов, В. Уфимцев ва бошқалар шу мавзуда расм ва паннолар ишлашди.

Бу умумхалқ курашида Ў. Тансиқбоев четда турмади. Ўша кезларда у Қоплонбекда кўп бўлди, айрим воқеаларни ўз кўзи билан кўрди. Унинг мойли бўёқда ёзилган биринчи йирик мазмунли-тематик картинаси босмачилар фаолиятининг муқаррар ҳалокатига бағишланди. Расомнинг «Босмачи тутиб келтирилди» асари қизиқиш билан кутиб олинди. Картинада тоғ оралиғида содир бўлаётган воқеа ҳикоя қилинади. Чап томонда Қизил Армия командири ва жангчи ҳамда тутиб келтирилган босмачининг қандай кимса эканлигини тушунтираётган маҳаллий аҳоли вакили. Унг томонда эса солдатлар ва ерли халқ кўнгиллилари қўлга тушган босмачини ушлаб туришибди. Иккинчи планда қуролли кишиларнинг босмачиларни қувиб бораётганлиги ифодаланган. Асарга боқиб содир бўлаётган воқеадан таъсирланасиз, гўзал тоғ манзарасига боқиб завқ оласиз. Зотан бу дадил машқ унинг келгусида расомларнинг романи ҳисобланмиш мазмунли-тематик картиналар ярата олишига шаҳодатнома берди.

Шаҳодатноманинг ҳақиқийлигини биз «Қизил аскар қишлоқда» мазмунли-тематик картинасида яққол кўра-миз. Картинада уч киши — қизил аскар, шу қишлоқлик йигит ва қиз. Қизнинг қўлида табиий гуллардан ясалган гулдаста. Қуёш ёнбошлаши дақиқаларидаги шафақ баланд ялангликни яна ҳам гўзал, нурли қилиб юборган. Пастда, жилға бўйида эса кичик қишлоқ жойлашган. Томошабин нигоҳи унчалик тушмайдиган чеккароқ жойда кичик ҳарбий лагерь. Расом картинада асосий эътиборни манзарани тасвирлашга қаратган бўлса-да, манзаранинг бир чеккасидагина ифодаланган шахслар маҳорат билан жойлаштирилган. Асардаги қизил аскар ҳалоскор жангчи сифатида ҳикоя қилинади. Қишлоқлик йигит ва қиз солдатга самимий меҳр билан боқишмоқда. Картинадаги барча деталлар асосий мақсадни очиб бер-



СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев


ган. Қизил аскарнинг ҳақиқий халоскорлиги ишонарли талқин қилинади.

Санъаткор «Олма териш», «Қовун узиш» каби тематик картиналарида декоративликни сақлагани ҳолда инсон жисмини реалистик талқин этади. Ҳаётдан олган таассуротларини умумлаштириб беришда тажриба ортирган рассом асардан-асарга олға томон ижодий парвоз эга бошлайди. Унинг полотнolari ўз лиризми ва ёрқинлиги билан мухлислар қалбини тўлқинлантиради.

Ижодкор кишилар образини ҳаётини, жонли яратишга астойдил интилади. Тансиқбоев шу даврга келганда реализмдан чекинмайди, балки унга комил ишонч билан интилади.

Биз сарлавҳани «Гунча очилдими?» деб қўйган эдик. Ҳа, гунча очилди. Очилганда ҳам таърифга сизмас даражада гўзал ва исли-уфорли бўлиб очилди. Бунинг далилини биз Ўзбекистон рассомларининг Москвада очилган биринчи кўргазмаси мисолида, Уролга дастлабки шуҳрат тожини кийдирган самимий олқишлар ва баҳолар тимсолида яққол кўраимиз.

408060



Баҳор

ЖАҲОНГАШТАЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

— Яхшилар билан юрсанг етарсан муродга,— деганларидек, ёш Урол устозлар марҳаматидан баҳраманд бўлди. У мусаввирликка ихлос қўйган кезлариданоқ устозлар шогирдга ўзларида борини бирга баҳам кўриб, унинг санъат чаманида эркин парвоз этишига, ҳатто ўзларидан ўтиб кетишига ёрқин йўл очиб бердилар. Ҳа, рассомнинг ҳақиқий бахтини топишида раҳнамо Коммунистик партия, жонажон Совет ҳукуматининг меҳрибонлик билан бошини силаши, руҳий, маънавий, моддий ёрдамини аямаганлиги, қолаверса ижодкорнинг тинимсиз интилиши, изланиши омил бўлди.

1934 йилнинг 1 августи диёримиз тасвир усталарининг қалбида бир умрга ўчмас из қолдирди. Нафақат рассомлар қалбида, балки ўзбек мусаввирлиги соломасига ҳам олтин ҳарфлар билан битилди. Уша қутлук кунда Москвадаги Кузнецкий мостининг кўргазмалар залда ўзбек рассомларининг армуғонларидан иборат



дебоча кўргазма тантанали очилди. Бу шодиёна муазам пойтахтда ҳам катта воқеа бўлди. Марказий ва республиканинг вақтли матбуотлари кўргазмага тайёргарлик кўриладиган кезларданоқ ижодкорнинг «Кўчманчилар манзили», «Она овулда», «Колхоз», «Мева териш», «Босмачи тутиб келтирилди», «Озод аёл» ва бошқа полотно ва эскизларига илиқ фикрлар билдирди.

«Всекохудожников залида (ҳозирги СССР Бадий академиясининг кўргазмалар зали) Шарқ халқлари музейи томонидан тўпланган Ўзбекистон рассомларининг картиналари кўргазмаси Ўрта Осиё рассомларининг учинчи (бундан олдин Қозоғистон ва Қирғизистон рассомларининг кўргазмаси ташкил қилинган эди — ҳ. к.) кўргазмасидир, — деб ёзади академик рассом К. Юон «Известия» газетасида эълон қилган «Живопись Узбекистана» сарлавҳали мақоласида. — Кўргазмага тақдим этилган асарларни уч гурӯҳга ажратиш мумкин. Биринчи гурӯҳга ўз асарларида Ўзбекистоннинг миллий услуби ва колоритини ўзига хос тарзда талқин эта олган, бойликларини кўрсата олган, социалистик тематикани эгаллаган рассомлар кирилади. Бу гурӯҳга энг кучли ва бадий маҳорати юқори бўлиб, улар ҳеч шубҳасиз Ўзбекистон меҳнаткашларига жуда яқиндир. Чунки улар халққа тушунарли тилда ёзганлар. Бу гурӯҳга кирган рассомларнинг асарлари ҳеч шубҳасиз халқаро бадий бойликка қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу йўналишдаги энг кучли рассомлар Ўрол Тансиқбоев ва Қарахандир. Ҳар икки рассомнинг асарлари ҳаётий, декоратив, Шарқнинг ўзига хос ифодасини топган. Тансиқбоевнинг асарлари орасида «Кўчманчилар», «Озод аёл», «Босмачи тутиб келтирилди», «Колхоз» ва «Мева териш» картиналари айниқса янғидир».

Бу ёш санъаткор учун тўғри, айни чоқда юксак баҳо эди. Бу баҳо уни эсанкиратиб ёки мағрурлик отига миндириб юбормади, балки рассомни яна ва яна сидқидилдан изланишга отлантирди, унга масъулият юклади.

Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейида сақланаётган «Кўчманчилар» полотноси унинг келгусида буюк манзара устаси бўлиб етишишидан далolat эди. Асардан олинадиган яхши таассурот ва ҳаяжонни таърифлаб бериш анча мушкул. Унга боққан кимса чўпон найининг қалбларни ром этувчи сасини, дўмбиранинг шўх садосини «тинглайди» ва ором олади. Рассомнинг қудрати шундаки, у рангтаъсирдаги мусиқийликни томо-

шабини қалбига етказа олган. Полотно саҳий қуёшнинг уфққа ёнбошлаши олдидаги таърифга сиғмас лирикаси билан тўлиб-тошган.

«Кўчманчилар» тасвири ёш санъаткорнинг 30-йиллар орасидаги самарали изланишларини ўзида жонли ифода этди. Чорси тасвирининг юзаси паст-баланд қирликлар билан тўлган. Қирликлар оша эса чуқур кенглик кўзга ташланади. Чексиз қирликлардаги сукунат, сокин ҳаёт маскани (ўтовлар), хуллас, ҳаёт ритми уйғун кўринади. Она ерининг ўрқач-ўрқач қирларини севувчи, унда катта иштиёқ билан кун ўтказувчи «сахройилар», рассом табирича, гўё бу жойларга меҳр кўрини бағишлаб яшайди. У ўтовлар яшашни ҳам гўё шу табиатнинг ўзидан «кўчиради». Қирнинг кичик сайхонларига қубба-қубба қилиб қурилган ўтовлар фикримизни тасдиқлайди. Кунгурали ўтовлар, унга тортилган арқонлар ҳам думалоқ ўтовнинг юқорисидан айланиб-айланиб ўтади, бу нарсалар қирлардаги дўнгликларга уланиб кетганга ўхшайди.

Инсон қўлида созланиб, ясалиб тартибга келган бу кунгура ўтовлар симметрик тортилган арқонлардан безангандек кўринади. Тепаликларнинг аксини такрор ва такрор қилиш, янгича қайтарилиши билан бу ўтовлар кенг маскани яна ҳам поэтиклаштиради, бойитади. Орқа планда тепалар устида яна «тепачалар», туялар тасвирланган. Такрорланган дўнгликлар киши кўз олдида денгиз тўлқинини жонлантиради.

Полотнода (биринчи планда) катта тепалик ниҳоясидаги ялангликда бир аёл тасвирланган. У ана шу табиат инъомини кузатиб, табиат «куйини тинглаб» мағрур ўтирибди. Бу йигирма саккиз ёшлик Ўролнинг тасвирий куйи, унинг ҳали мурғак поэтик руҳи эди. Она ер бағрида эркин яшаш бахтига мушарраф бўлган ижодкор қалбида жўш урган, унга илҳом бағишлаган ҳаёт ритмининг бадий, ғоявий ва шаклий таронаси эди. Гоҳ авжга чиқиб, гоҳ пастлаб шўх ва майин чалинувчи қозоқ дўмбирасининг садосини эслатадиган бу тасвирий «куй» Ўрол таронаси эди. Бўз йигитнинг ёшлик авжи, шўхлик мавжи бўлиб туғилган такрорланмас рангтаъсир эди. Шартли декоратив манерада, хийла формалистик тарзда бўлса ҳам мазмундор асар, ўролона дастхат сезилиб бошлаган эди.

«Кўчманчилар» асаридаёқ рассом фазовий кенгликнинг улғуворлигини излаётгани, уни атрофича кузатиб, руҳланиб ифода этишга уринаётгани сезилиб турар эди.

Бу уриниш шаклий тусдагина шакллана бошлаган тасвирий ифоданинг бошлангич кўринишларида намоён бўла бошлаган замонавий таъсирчан қирраси эди.

Мазкур полотнода Поль Гоген ва Павел Кузнецовларнинг маълум даражадаги таъсирлари сезилса-да, асар умуман оригинал, мазмун мотиви, характери, колорити ва композициясига келганда қайтарилмас ва мустақил эди. Табиат ошиғи Уролнинг табиатни эпик тарзда талқин эта олиши амалда кўринди. Айни чоқда Урта Осиё табиатининг ўзига хос латофатини кўрсатишга қодирлиги намоён бўлди.


«Ўзбекистонлик колористлар»нинг бошлиғи шубҳасиз ёш, йигирма саккиз ёшлик рассом, катта маҳорат эгаси Тансиқбоевдир. Агар унинг картиналарини Шарқнинг рангли бўёғига ва декоратизмига эргашадиган рус рассомларининг асарларига қиёслайдиган бўлсак, қандайдир услубий яқинликни ҳис қиламиз. Тансиқбоевнинг ижоди — катта иқтидорнинг туғилиши. Унинг «Кўчманчилар», «Колхоз» ва «Она овулда» асарлари ҳаётний, реал полотнолардир. Рассом бу асарларда ўзигагина хос бўлган рангтасвир маҳоратини кўрсатади, ўзига хос манерасини, ҳаётда содир бўлган воқеликни ҳис этади ва уни бера билади, — деб ёзади санъатшунос Л. Варшавский «Правда» газетасининг 1934 йил, 24 сентябрь сониде босилган мақоласида. — Умуман олганда Урол дастлабки имтиҳондан олқишлар билан ўтди, энди унинг мухлислари Урта Осиё ташқарисида ҳам кўпайди, янги асарларини орзиқиб кутувчилар, холис баҳоловчилар пайдо бўлди.

Яна ҳам қувончлиси шундаки, унинг «Рассом Акром Тошкенбоев портрети» биринчи маротаба халқаро миқёсга, Америка Қўшма Штатларининг Филадельфия шаҳрида очилган кўргазмага юборилди. Америка матбуоти портрет хусусида илиқ фикрлар билдирди, портрет фотонусхаси чоп этилди.

Ана шундан эътиборан Урол Тансиқбоев мўйқаламида сайқал топган қатор эпик полотнолар халқаро кўргазма ва йирик музейларни безай бошлади, муаллифининг номини оламга танитди.

ВА ЯНА ИЗЛАНИШ

Урол Тансиқбоев ижодиде Павел Кузнецов ва унинг шоғирдлари орқали Коро, Ван Гог, Поль Гоген ва Ма-



Тоғ қишлоғи. Баҳор

тиесга тақлид ҳам бўлганлигини эслатиб ўтган эдик. Зотан, Гоген сингари постимпрессионист рассомлар реал ҳаётга боғлиқ бўлмаган асарлар яратишга, ижодкор фантазиясининг рангли тасвирларини илоҳийлаштиришга уринган эдилар. Лекин Уролнинг декоратизми Гоген примитизмининг оптимистик варианты бўлди. Изланиш жараёнида вақтинча адашган Урол манзараларидаги жишилар тасвири асар руҳига ёпишиб тушади. Унинг ўша кезларда кичик ҳажмда чизилган «Оқшом», «Сингирлар ўтламоқда», «Йкки аёл» этюдлари, «Қизил аскар қишлоқда» полотноси фикримизнинг шоҳидидир.

Шунингдек, рассомнинг навбатдаги изланиш маҳсули бўлган «Оқшом», «Манзара», «Чўлда» сингари расмларида Ўзбекистоннинг турли табиий шаронтидаги манзараларни нозик нюансда ифодалаган ва муносиб ранглар топган. Уларда формани кубизм тарзида талқин этишга интилиш аниқ кўзга ташланади. Бироқ, бу ўткинчи ижодий тажрибалар санъаткорнинг келгусидаги ижодий камолини белгиламади, аксинча, нотўғри йўлдан бораётганлигини англаб етишига ёрдам берди.

Яна баъзи асарларида эса Тансиқбоевнинг (масалан, «Мева териш») анъанавий халқ амалий санъатига интилишини, Урта Осиё шаҳарларидаги хонадонларда учрайдиган безакларни қўллашга мойиллигини сезамиз.

Шу ўринда биргина «Сентябрь оқошоми»ни олиб кўрайлик. Мазкур манзарада баланд-пастликлардан иборат дала тасвирланган. Ўнг томондаги пахса деворли уйларнинг деразаларидан ҳозиргина ёқилган чироқларнинг шуъласи хира нур сочмоқда. Оқшом чўкмоқда. Биринчи планда — чап томонда карам полизида кетмон тутган кимса турибди. Нарироқдаги сўқмоқдан эса қизча ва аёллар боришмоқда.

Манзара кишида ноҳуш таассурот қолдиради. Асарни бири иккинчиси билан монанд келмайдиган ранглар — оч кўкимтир осмон ва жигар ранг ер қоплаб олган. Картинада фазовий бўшлиқ етишмайди, уни худди полотнодан атайлаб «суриб» олингандай. Картинанинг орқа плани, масалан, адирлар, ҳайвонлар оғир (бўғиқ), қора рангда ишланган. Манзарадаги кўкатлар кўзга ёқимсиз ташланади. Табиат лавҳаси худди тасвир этилмаган, балки бўяб қўйилгандай туюлади. Унда акс этган предмет (деталь)ларнинг моддийлиги ва макондаги ўрни сезилмайди. Композициядаги одамлар ҳам мажбуран қўйилгандай ҳаракатсиз — бадний ифода этилмаган.

30-йилларнинг иккинчи ярмига келганда Ўролнинг картина ва полотноларида реализмга мойиллик янада ортади. Рассом буюк давримизнинг бунёдкор, забткор кишиларини ўз бағрига қамраб олган табиат ва бу табиат қўйнидаги завқли ижодий меҳнатни ранглар жилвасида кўрсатишга интилади. Санъаткорнинг «Чирчиқ бўйларида», «Баҳор юмушлари» (1936 йил) сингари қатор асарлари унинг табиат манзараларини реалистик тарзда тараннум этишга қатъий бел боғлаганлигидан далолат беради.

Бундай манзараларда барча нарсалар — ҳаво, ер, дов-дарахт ва кишилар бахт ва севинч шукуҳи билан йўғрилди, ижодий тортиқларида кўтаринки руҳ ва шодлик ҳукмрон бўла бошлади.

...Унча ҳам баланд бўлмаган кичик тепалик дарёли воҳани янада кенгайтириб кўрсатган. Кумушсимон сув тасмаси, оч пўшти рангга бурканган ўрик дарахтлари табиат чиройини яна ҳам очиб юборган. Икки тепалик ён бағридаги нав-ниҳоллар, ҳар ер-ҳар ердаги ўт-ўланлар гўзаллик оламига хол бўлиб тушган. Дарё қирғоғидаги икки аёл табиатнинг фусункорлигига мафтун. Олисроққа нигоҳ ташласангиз, сарғиш либосли чўлчи кўрасиз. Дарё ёқалаб яна кўз югуртирсангиз, дарахтлар

ва пахсали уйлар диққатни тортади. Кейин поёни уфққа туташиб кетган яйдоқ чўл.

Булутли ҳаво, саёз булутлар орасидан мўралаётган қуёш нурлари бутун манзарага таърифга ситмас латифлик бағишлаган. Тоғ этагидаги бу гўзал лавҳалардан фақат рассомнинг ўзигина баҳра олиб қолмасдан, унранглар товланишида томошабинига ҳам ҳаётий «кўчириб», гўзал дид билан отказиб беради. Манзара яхлитлиги, рангларнинг уйғунлиги, Ўрта Осиё табиатига хос колорити билан кишини тўлқинлантиради, бунёдкорининг маҳоратига таҳсинлар айтгизади. «Чирчиқ воҳасида» деб номланган бу полотно рассомнинг ҳақиқат йўлига — воқеликни реалистик талқин этиш йўлига рўй-рост тушиб олганлигининг ёрқин далилидир.

Баъзи халқларда, шу жумладан, қозоқ халқида ҳам бир номақбул одат ҳукм суриб келган, яъни, акасининг куни битса, унинг тул қолган хотинини укасига никоҳлаб қўйиш одати. Қозоқ халқининг «Қалмақан ва Маъмур» эпоси ана шу бўлмағур одатни кескин қоралашга бағишлангандир.

— 1938 йили мен Абай номидаги қозоқ Давлат опера ва балет театри маъмуриятининг илтимоси билан Олмаотага борган эдим, — деган эди бир суҳбатда серқирра ижодкор. Театр раҳбарлари мендан биринчи қозоқ миллий балети «Қалмақан ва Маъмур» балетига саҳна ҳамда либос эскизларини чизиб беришимни илтимос қилишди. Умрим бино бўлиб бу соҳада ижодий машқ қилмаганлигим сабабли ўзимдан соқит қилдим. Бўлмади. Шундан кейин дўстим, буюк адиб Мухтор Авезов ёзган либреттонини қайта-қайта ўқиб чиқдим. Кейин композитор В. Великанов басталаган музикани тингладим. Дастлабки таассуротларимга ишониб, эскизлар чиздим. Ўзимга ёқмади. Ниҳоят эпосни қайта-қайта ўқидим, воқеа кечадиган саҳналарга яқин жойлар билан танишдим, қадимий либосларни ўргандим. Ана шу жиддий тайёргарликдан кейин чизган эскизларимни бадний кенгаш маъқуллади.

Балетнинг биринчи саҳнаси тоғда кечади. Ҳайбатли тоғ ўрқачлари. Қабристон. Қаққайиб турган дарахт ҳам шумшук кўринади. Бу деталлар ўлим симболи тарзида берилган. Чунки бу саҳнада Қалмақаннинг бевақт вафот этган умр йўлдоши дафн этилади. Қалмақан ва Маъмур шу ерда бир-бирларини севиб қоладилар.

Иккинчи кўринишда қозоқ овулининг умумий манза-

ли дард кўрмаган қилқалам. Тасвирдаги она-юртимиз дилбарлиги ҳақидаги бу «бўёқли ҳикоялар»нинг, эпик дostonларнинг сони тўрт юздан зиёддир.

Буюк рассом, наботот оламига ошифталарнинг ифтихори, гурури Урол Тансиқбоев умри боқий асарлари билан доимо орамизда.

Ҳа, ҳассос мусаввир ўз уйида, ўз устахонасида уй — музейга ташриф буюрувчиларни бебаҳо дурдоналари орқали саҳий қалби, руҳи билан мамнун кутиб олмоқда.

Буюк мусаввир, ўзбек табиати нафосатининг рангсоз шоири Урол Тансиқбоевнинг ижоди қадрланмоқда. Унинг сермазмун хизмати, улугвор гражданлик ҳиммати, ўлмас ижоди ҳамиша қалбларда.



МУНДАРИЖА

ДЕБОЧА	3
ҒУНЧА ОЧИЛДИМИ?	5
ЖАҲОНГАШТАЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ	17
ВА ЯНА ИЗЛАНИШ	20
ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК	28
ЖАНГУ ЖАДАЛ ЛАВҲАЛАРИ	35
ЧУҚҚИЛАР САРИ	42
ҚИРҒИЗ ДИЕРИ БУҒЛАБ	51
ИНСОН ҚУЛИ	57
АДИБ ЭЪЗОСИ	60
ФАСЛЛАР ЗИҒНАТИ	70
ДУСТЛИҚ ГЭСИ ТОНГИ	81
СИЗ ТАНИШГУНГА ҚАДАРЛИ	90
ИККИ ДАРЕ ЮВАР ҚОКИЛИН	106
«ТОҒЛАР МАФТУНИ»	111
ИБТИДОСИДАН ИНТИҲОСИГАЧА	121
ҲАЕТ СУҚМОҚЛАРИ	128
НИҲОЯ	131